

Тоғлар чодирларнинг қозиғи кабидир



11:48 / 05.08.2017 4803

Геологиядаги «қатламланиш» ҳодисаси яқинда кашф этилган фактдир. Бу ҳодиса тоғларнинг қатламлари шаклланишини таъминлайди. Биз устида яшаб турганимиз, ер пўстлоғи, қаттиқ қобиққа ўхшайди, ер ичига чуқурроқ кириб борган сари, ҳарорат ошиб ва моддалар суюқлашиб боради ва кейинчалик тирик нарсдан асар ҳам қолмайди. Маълумки, тоғларнинг бундай субут ила барқарор туришларининг сабаби қатламланиш ҳодисаси билаб боғлиқдир. Ўша қатламлар тоғларнинг асосини ташкил этувчи рельефларни ҳосил қилади.

Геологларнинг бизга айтишларича, ернинг радиуси 6035 км бўлиб, биз яшайдиган қисм –ер пўстлоғининг қалинлиги бор йўғи 2 35 км. Модомики, ер қобиғи шундай юпқа бўларкан, унинг қимирлаб туриш эҳтимоллиги юқори бўлади. Бу вазиятда, тоғлар, худди чодирларни маҳкамлаб турувчи

қозықлар каби, ернинг пўстлоқ қисми барқарорлигини таъминлайди. Қуръон ҳам бу ҳолатни айнан шундай таърифлайди:

Ерни бешик қилиб қўймадикми? Ва тоғларни қозықлар...

(Набаъ сураси, 6-7-оятлар)

Оятда келган автаад сўзи тиргаклар ёки қозықлар деган маънони билдиради (чодирни тиргаш учун ишлатилган қозықлар каби). Булар геологик қатламларнинг энг чуқур асосларини ташкил этади.

«Ер» номли китоб геология соҳасида дунёнинг кўплаб университетларида асосий қўлланма бўлиб келган. Доктор Френк Пресс ушбу китобнинг муаллифларидан бири ҳисобланади, у ўз вақтида АҚШ Фанлар Академияси Президенти лавозимида 12 йил ишлаган ҳамда Қўшма Штатлар собиқ Президенти Жимми Картернинг Фан ишлари бўйича маслаҳатчиси бўлган. У ушбу китобда, тоғларни тасвирлашда понасимон шаклни иллюстрация қилиб келтиради, бу иллюстрацияда тоғнинг ўзи бутун расмнинг кичик бир қисминигина ташкил қилади, катта ва асосий қисми эса, ерга чуқур кириб борувчи илдиздан иборат. Доктор Прессга кўра, ер пўстлоғини барқарорлигини таъминлашда тоғлар юқори аҳамиятга эгадир.

Қуръон тоғларнинг вазифаси ер қимирлашини олдини олишдан иборат эканини қуйидаги оятда очиқ-ойдин айтади:

Ерда уларни тебратмаслиги учун тоғлар қилдик ва шоядки, тўғри йўл топсалар деб, унда даралар, йўллар қилдик.

(Анбиё сураси, 31-оят)

Қуръон бераётган таъриф замонамизнинг геологик маълумотлари билан тўлалигича мувофиқ келмоқда.